

---

## Ёзёвон туманида оталиққа олинган ёшлар билан очиқ мулоқот бўлиб ўтди

Ёзёвон туманида ёшлар билан очиқ мулоқот ўтказилиб, уларни муаммолари эшитилди. Жами 40 нафардан зиёд ёшларни – ёш тадбиркорлар, ёшлар етакчилари ҳамда қатор соҳалардан ёшлар вакиллари ўзида жамлаган тадбир бўлиб ўтди.

Мажбурий ижро бюроси Ёзёвон туман бўлим бошлиғи томонидан Давлатимиз раҳбари томонидан олиб борилаётган бугунги кундаги давлат сиёсати замирида ёшларга эътибор ва ғамхўрлик, уларга замонавий билим бериш ва иқтидорини ривожлантириш мужассам эканини қайд этиб, бугун ёшлар келажаги билан боғлиқ ҳар қандай вазифа бирламчи аҳамиятга эга бўлиб турганига эътибор қаратди.

Учрашув давомида қизғин савол-жавоблар форматда ёшларнинг ўзларини қизиқтирган масалалар бўйича мурожаатлари, таклиф ва ғоялари тингланди, уларнинг ҳар бир фикрлари мутасаддилар томонидан алоҳида эътиборга олинди.

Бюро органлари томонидан бу борадаги ишлар изчиллик билан давом эттирилмоқда.

2024-10-17 15:24:11